# ИСЛОҲОТДАН АВВАЛО МЕҲНАТКАШ МАНФААТДОР

***Бозор талаби қатъий: у жумладан, раҳбарлар зиммасига катта масъулият юклайди. Яъни, тадбиркорликни ривожлантириб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва корхона меҳнат аҳлини моддий қўллаб-қувватлашни, уларга етарлича шароит яратиб беришни тақозо этади. Боз устига, амалдаги меҳнат қонунларига риоя этиш, жамоа шартномасини тузиб, унга қатъий амал қилиш, ишчи ва хизматчиларнинг ҳол-аҳволидан доимо хабардор бўлиш сингари юмушлар ҳам унинг зиммасида. Ана шу вазифани уддасидан чиқа олмаган раҳбар бошчилик қилаётган корхонада қатор камчилик ва муаммолар юзага келади.***

Косонсой пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида ҳам ўтган даврда бир муддат ана шундай ҳолат юзага келди. Завод кўп жойлар билан тузилган шартнома шартларини бажаролмади, иш ҳақидан қарздорлик вужудга келди.

Янги раҳбар иш бошлагач, дастлаб касаба уюшма ҳамкорлигида меҳнат ва жамоа шартномалари талабларини бажаришга эътибор қара-

## *Бошланғич ташкилот бозор муаммоларини қандай ҳал этяпти?*

тилди. Шунингдек, завод имкониятлари қайта таҳлил этилди. Масалан, бу ердаги дастгоҳларнинг кучи 35 минг тонна хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган. Бироқ туман хўжаликларида эса атиги 18,5 минг тонна пахта етиштирилади. Демак, атиги 3-4 ой завод ишчиларини иш билан тўла таъминлаш мумкин. Хўш, ундан кейин-чи? Қолган саккиз ойда 400 нафардан зиёд ишчи нима қилади, уларнинг тирикчилиги қандай ўтади?..

Шу ва шунга ўхшаш долзарб масалалар кўриб чиқилганда иқтисодиётни мустаҳкамлашга оид қўшимча имкониятлар ишга солинмаса аҳволни ўнглаш қийин эканлиги равшан бўлди. Изланган имкон топади, деганлари бежиз эмас экан. Вилоятдаги айрим заводлар билан шартнома тузилди. Масалан, Гулбоғ пахта заводи пунктидан 1,5 минг тонна пахтани олиб келиб, бу ерда қайта ишлашнинг имкони туғилди. Бундан ташқари, хом ашёнинг миқдорига эмас, балки сифатига эътибор кучайтирилгач, пахтанинг табиий ҳолатини йўқотмасликка ва шу йўл билан ишлаб чиқарилаётган тола меъёри 32,5 га етказилди.

Изланиш ўз самарасини берди. Ўтган йил завод илк бор режани 135 фоизга бажариб, умумий даромад 179 миллион сўмни ташкил этди. Асосий маҳсулот Англия, Швейцария, Сингапур ва Австралия каби давлатларга экспорт қилинди.

Албатта, тадбиркорликнинг қарор топганлиги ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва корхона моддий базасини мустаҳкамлашга имкон берди. Хўш, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги қандай бўлаяпти, деган савол туғилиши табиий.

Шу ўринда жамоа шартномасида кўзда тутилган бандлар ва меҳнат қонунлари меъёрининг асқотганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигига кўра илғор ишчиларга маошидан ташқари қўшимча пул мукофотлари, Нанайдаги «Пахтачи» санаторийсида дам олиб, соғлиқларини тиклаш учун йўлланмалар, шунингдек, кам таъминланган ва қарамоғида ҳеч кими бўлмаган оилаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, моддий қўллаб-қуватлашнинг имкони яратилди. Бундан ташқари, корхона ёрдамчи хўжалигини ривожлантириб, барча ишчиларга сут маҳсулотлари ҳамда ҳар куни уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлашга эришилди.

Халқимизда пул бўлса, чангалда шўрва, деган нақл бор. Иқтисодиёт мустаҳкамланса, ҳар ишни дўндирса бўларкан. Қиш мавсумида олиб борилган изланишлар буни яна бир карра исботлади. Корхона меҳнат аҳли туман ва вилоятдаги бошқа кўплаб хўжаликлар билан истиқболли шартномалар тузиб, экиш мавсумида 915 тонна олий навли уруғлик чигит етказиб берди. Бу биринчи галда ишчиларни иш билан таъминлаш имконини берган бўлса, иккиламчи эса иқтисодиётни юксалтиришга олиб келди.

Чунончи, баҳорги мавсумда хўжаликлар билан тузилган шартномага биноан аввалдан 20 фоизли бўнак пули, яъни 600 миллион сўм тарқатилиб, ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 24-26 минг сўмга етди. Шу билан бирга ишчи-хизматчиларнинг маданий дам олишлари учун ҳам кераклича маблағ ажратиб берилди.

Эндиликда бу корхонада битта шиор шаклланган: шароит соз бўлса, иш ва пировард натижа ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Заводда қандай янгиликка қўл урилаётган бўлса, унда аввало ишчи манфаати кўзда тутилганлигини мана бу мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Кейинги пайтда янги ошхона, ишдан сўнг маданий дам олиш учун теннис ва биллиард хонаси, сауна, маиший хизмат устахонаси, шунингдек, вилоятдаги саноат корхонаси билан шартнома тузилиб, 45 нафар ишчига мўлжалланган сочиқ тўқиш цехи, тиббиёт ҳамда дам олиш хоналари қурилиб ишга туширилди.

— Ислоҳотлардан аввало инсон манфаатдор бўлиши керак, — дейди корхона раҳбари Равшан Мамажонов. — Ҳозирги кунда завод тармоқларини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш қаторида ишловчилар манфаатдорлигини янада оширишга эътибор кучайтирилди. Касаба уюшма билан ҳамкорликда режалар тузиб олганмиз. Бу ерда ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш имкони бисёр. Ихтиёримизда уч гектар ер ва чорвачилик тармоғи бор. Ёзги мавсумдан бошлаб ишчиларимиз бозор-ўчар учун вақтни беҳуда сарфлаб юрмасдан, шу ернинг ўзида қишлоқ хўжалиги ва гўшт-сут маҳсулотларини арзонлаштирилган нархда оладилар.

Ҳиссадорлик жамияти хайрия ишларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Қарияларни қадрлаш йилида ўнлаб меҳрга муҳтож хонадонлар корхона саховатидан баҳраманд бўлди. Тумандаги 47-ўрта мактаб оталиққа олинди.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

# ҲАЁТ ГЎЗАЛ ШУНДАЙЛАР БИЛАН



Меҳнат инсонни улуғлайди, уни ўз орзуларига эриштиради. Зеро, ҳаётда хизмат бурчига сидқидилдан муносабатда бўлиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлаётган, моддий неъматлар яратаётган, зиё улашаётган инсонлар жуда кўп. Хусусан, Нишон туманидаги «Нишон» хўжалиги чўпони Азамат Шерқулов қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлаб, ҳамкасбларининг олқишига сазовор бўлди. Ғаллаороллик моҳир кутубхоначи Гулнора Донақулованинг ташкилотчилиги туфайли зиё масканига келувчилар сони кўпайиб бормоқда. Мирзачўллик техника ихлосманди Асқар Сулаймонов эса лаёқатли шогирдлар тайёрлаб, уларга замонавий агрегатлардан унумли фойдаланиш сирларини қунт билан ўргатмоқда.

**Б.НОРҚУЛОВ ва А.СУЛТОНОВ олган суратлар.**





## СОФ ФОЙДА 7 МИЛЛИОН

Агарда «Ачамайли» қишлоғидаги тадбиркорлар ҳақида гап очилгудай бўлса, «Камолот» фермер хўжалиги биринчи ўринда тилга олинади. Чунки, ўтган йили пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам катта ютуқларга эришди. Деҳқончилик қилинадиган 105 гектар ернинг 46 гектарида пахта, 3 гектарида пиёз, 4 гектарида шоли, 2 гектарида полиз маҳсулотлари етиштирилди. Ана шу ерларда астойдил қилинган меҳнат натижаси ўлароқ 123,4 тонна пахта, 231 тонна ғалла, 60 тонна пиёз, 20 тонна полиз маҳсулотлари олиниб, барча соҳалар бўйича шартнома режалари оши-

*Тадбиркорлик*

риб бажарилди. Натижада пахтачиликнинг ўзидан 13 миллион 600 минг сўмдан зиёд даромад олиниб, соф фойда 4 миллион 270 минг сўмни ташкил этди. Давлатга топширилган пахтанинг асосий қисми биринчи навларга қабул қилинди.

— Меҳнатда қўлга киритилаётган ютуқларда жамоамиз ҳар бир аъзосининг салмоқли улуши бор. Бугун уларнинг номини ардоқлаб тилга олсак, арзийди, - дейди жамоа раҳбари Жамол Абдураҳмонов. — Қолаверса, ерни қадрлаган, ардоқлаган инсоннинг ишда унуми, баракаси бўлади. Шунга яраша дастурхон ҳам тўкис бўлиши шубҳасиз.

Хўжалик пахтачиликдаги сингари ғаллачиликда ҳам яхши натижаларга эришиб, даромадлари ортиб боряпти. Ўтган йилда баракали меҳнат қилган деҳқонлар ғаллазорнинг ҳар гектаридан режадаги 42 центнер ўрнига 55 центнердан ҳосил олиб, хирмонга 231 тонна сара дон тўкдилар. Бунинг натижасида сотилган маҳсулотдан олган даромадлари 4 миллион 459 минг 296 сўмни ташкил этди. Ёки улар ғалладан 2 миллион 198 минг сўм соф фойда кўрдилар. Умуман барча турдаги маҳсулотлардан олинган соф фойда салкам 7 миллион сўмни ташкил қилди.

**Ҳамид АСРОРҚУЛОВ, Темур ҲАЙДАРОВ.**

## «МАТИЗ» МУБОРАК!

Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали намойиш этилган навбатдаги «Омад қувончи» телеўйинида Бўка тумани Уккибой қишлоғида яшовчи Қурол Тўлаев автомашина ютуғи соҳиби бўлгани ҳақидаги хабар кўпчилик бўкаликларни қувонтирди. Қ. Тўлаев кўп йил ҳайдовчилик қилди. Ҳозир қарилик гаштини суряпти. Шунга қарамай, Қурол ота ҳали тетик, 4-5 йигитнинг ишини кўрдим демайди. Маҳалла қўмита раиси Кишанбой ака Сарибоев шундай деди:

— Республикамизда ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» қаторида тўртинчи енгил машина, яъни «Матиз» ишлаб чиқариш ҳам фахрдир. Қарияларни қадрлаш йили эса Қурол ота оиласи учун омадли келди.

**Ҳ. ТЕМИРОВ.**

*Ижтимоий ҳимоя*

# МЕҲР ҚОЛУР

Қашқадарёда ўз нуфузига эга бўлган Косон тумани аҳолисининг 50290 нафарини ўрта ва ўрта-махсус таълим муассасаларида таълим олаётган ўқувчи ёшлар ташкил этади. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси таркибида эса 133 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўзига 7007 нафар аъзони бирлаштирган.

Соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида маъмурият билан ҳамкорликда қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдамиз. Хусусан, ҳозирги кунда ходимларимизнинг 4529 нафари электр энергиясидан, 2882 нафари суюлтирилган газдан ва 1915 нафари тоза ичимлик сувидан имтиёзли фойдаланаётган бўлса, 1647 нафар педагогимиз бепул кўмир билан таъминланаётир. Меҳнат шароитини яхшилаш, қўшимча имтиёзлар яратишда ҳомий ташкилотларнинг беминнат кўмаги бекиёсдир. Мисол учун, сўнгги бир йил ичида Муборак Газ конлари бошқармаси ўз ҳисобидан катта маблағ сарфлаб қурилиш материаллари, дарслик ва кийим-кечаклар олиб берди. Шунингдек, бошқа ҳомий ташкилотлар 7263000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Умуман, сўнгги бир йил давомида бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағ соҳа ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланмоқда.

Туман халқ таълими бўлимида «Ижодкор ўқитувчи ва ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш» жамғармаси фаолият кўрсатяпти. Ташаббускор, ижодкор ўқитувчи ва ўқувчиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг вилоят ва республика миқёсидаги тадбирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур жамғарма ҳисобидан З.Алланова, Г.Эштурдиева, О.Атоева сингари ўқитувчиларнинг илмий-ўқув қўлланмалари ва шеърий тўпламлари чоп этилмоқда, ўнлаб ходимларимизга рағбатлантирувчи мукофотлар берилмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам туман спортини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Эгамназар Акбаров, Шокир Тўраев, Лазиз Йўлдошев, Анвар Бердиев, Асрор Алиқулов, Нурали Султонов сингари спорт усталарининг ўнлаб издошлари етишиб чиқмоқда. Хизмат кўрсатган мўраббийлар — Абдураҳмон Очилов, Пўлат Омонқулов, Тўрақул Абдулхайровларнинг саъй-ҳаракатлари билан шу йилнинг феврал ойида туманимиз мактаб ўқувчи-қизларидан 9 нафари ўз вазн тоифалари бўйича мамлакат чемпионлигини қўлга киритишди. Бунда бизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз бор, албатта. Негаки, тармоқ касаба уюшма қўмитаси спорт оммавийлигига эришиш мақсадида соҳа ходимлари ва ўқувчи ёшлар ўртасида турли тадбирларни мунтазам равишда уюштираяпти. Масалан, яқинда Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб ўтказилган тармоқ ходимлари спартакиадасиға 400 минг сўм маблағ сарфланди. Мусобақа низомига кўра ғолибликни қўлга киритган кекса ўқитувчиларимиз сиҳатгоҳ йўлланмалари билан тақдирланди. Шунингдек, жорий йилда 150 нафар халқ таълими ходими Имом ал-Бухорий ва Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида бўлиб қайтишди.

Қўмитамиз томонидан ўтган йили 20512 нафар ўқувчи болалар оромгоҳларида дам олдирилди, қарийб 3 миллион сўмлик сиҳатгоҳ йўлланмалари ходимларга тарқатилди. Шу билан бирга, 250 минг сўмлик ўқув дарсликлари олиниб, кам таъминланган ўқитувчиларимиз фарзандларига берилди. Бу йилги тадбирларимизни аниқ белгилаб олганмиз. Шунинг учун ҳам кам таъминланган, ёрдамга муҳтож соҳа ходимларини ижтимоий муҳофазалаш ишини изчил давом эттираверамиз.

**Мурод МЎМИНОВ, Косон туман Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш мавсумини ўтказиш тўғрисида йиғилиш бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси А. Аҳмедов бу йилги мавсумда 16 минг нафардан зиёд болажонларни дам олдириш ва соғломлаштириш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар хусусида ахборот берди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари Кенгашининг қўшма қарори асосида, туман ҳокимликлари, мутасадди ташкилотлар оромгоҳларни мавсумга тайёрлашга киришилди. Шунингдек, ишчи гуруҳлари тузилиб, семинар-кенгаш ўтказилди. Оромгоҳларни қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, зарур ашёлар билан жиҳозлаш, таъмирлаш учун ҳомийлик ва оталиқ ёрдамини йўлга қўйиш, йўлланмаларни тақсимлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

Вилоятдаги «Сино», «Чинорбулоқ», «Пахтаой» каби оромгоҳларга амалий ёрдам бериш учун улар оталиқ ташкилотларга бириктириб қўйилди.

**Р. ДАВЛАТОВ.**

# МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН 20 ХИЛ МАҲСУЛОТ

Шаҳрихон тумани «Шаҳрихон» ширкат хўжалигида яшовчи тадбиркор Эркиной Деҳқонова мактаб ва коллежларни битираётган қизларни ўз меҳнат жамоасига жалб этаётир.

- Кийим-кечакларни тайёрлашни дастлаб уйда бошлагандим, - деди Э.Деҳқонова "Туркистон-пресс" мухбирига. – Кейинчалик қишлоқда тикувчилик цехини ташкил қилдим. Шу кунга қадар олтмиш нафардан зиёд қизларга тикувчилик ва бичувчилик ҳунарини ўргатдим.

Э.Деҳқонованинг таъкидлашича, цехда маҳаллий хомашёдан йигирма турдан ортиқ замонавий кийимлар тайёрланяпти. Маҳсулот нархи ҳам осмонда эмас. Шу боис шаҳрихонлик қизлар тиккан кийим-кечаклар пештахта ёки омборда туриб қолмаётир.

- Туман меҳнат биржаси бўлими билан шартномага кўра, ўқувчи қизларимиз стипендия ҳам олишади, - таъкидлади Э. Деҳқонова. - Қизлар бу ерда бичиш-тикишдан ташқари қандолатчилик сирларини ҳам ўрганишади. "Ташаббус-2002" туман кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, вилоят танловининг "Ўз маҳсулотлари кўргазмасини энг яхши ташкил қилган ташкилот" йўналишида ғолиб чиқдик. Ҳозирги цехимизда 20 та тикув машинаси мавжуд, мақсадим яна шунча машина сотиб олиб, ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этиш.

# ОИЛАВИЙ МУҲИТ

## фикр, таклиф, мулоҳаза

***Оилага ёрдам жамиятга, тараққиётга ёрдамдир. Юртимизда оила ривожи, хотиржамлиги учун кўп ишлар қилинмоқда. Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу муқаддас қўрғон мустаҳкамлиги учун астойдил қайғуришмоқда.***

Оилавий бахтни тасаввур этиш қийин эмас. Аммо, унга эришиш, турмуш аталмиш сирли сўқмоқда одимлаш осон эмас. Айниқса, ҳаёт бўсағасида турган ёшлар бу борада аниқ тасаввурга эгамиканлар?! Улар фикру ўйини нималар банд этмоқда? Навбатдаги тренинг ана шу мавзуга бағишланди. Унда Сирдарё педагогика ва Янгиер қурилиш коллежлари талаба ёшлари Винрок интернэшнлнинг WILL лойиҳаси доирасида оила муаммоларига чуқурроқ назар ташлашга эришдилар.

— Гендер тенглиги муаммоси қишлоқларимиз учун долзарблиги сир эмас. Бу гал ёшлар келажакда дуч келиши мумкин бўлган оилавий муҳит ҳақида фикрлашдилар, -дейди WILL лойиҳаси тренери, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари кенгаши бўлим мудири Муҳаббат Қурбонова, — Талабалар бир неча гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотлар олиб боришди. Оиладаги муайян бир муаммо ўртага ташланиб, унинг ечимини ўзлари ҳал этишга интилдилар. Улар оилада бахтсиз аёл жамиятга ҳам, фарзандлар тарбиясига ҳам бутун куч-идрокини сарфлай олмайди. Унинг бу муҳитда ўсган болалари ҳам оналари тақдирини такрорлаши мумкин, деган хулосага келдилар.

Талаба қизлар уйдаги аёл юмушининг бир кунлик «фотосурат»ини яратдилар. Ёш қизлар оиладаги ўғил болаларни бир оз эркалаброқ тарбиялашимиз қон-қонимизга сингиб кетганлигини эътироф этишди. Ўғил болалар ёшлигиданоқ қизларга қараганда анча имтиёзларга эга бўларкан. Қизчи, эрта тонгданоқ супур-сидир ва умумий юмушларнинг аксариятида онанинг энг яқин кўмакчисига айлана боради. Баъзи ҳолларда айрим болалар ўзлари барчанинг эътиборида эканлигини пайқаб, оилавий юмушлардан бўйин товлаш ёхуд ўзини олиб қочишни одат тусига киритишади. Гендер нотенгликнинг бу кўриниши ёшлар балоғатга етиб турмуш қурганларида ҳам ўз таъсирини сақлаб қолади. Оқибатда ёш оилаларда зўравонлик, бир сўз билан айтганда, «устунлик» учун интилиш муҳити яратилади. Қизлар кўпгина ёш оилалардаги нотинчликни ана шу «мен сендан кам эмасман» қабилидаги қарашга боғлашди. Тўғри эр амри вожиб бўлмагач, тўнг ва қулоқсиз аёл сиқувга олиниши табиий. Баъзан ота-оналар ҳам ўғил томоннинг тоши оғир келиши учун жон куйдирадилар. Оқибатда умид билан қурилган оила устунлари омонатга айланади. Кўп ҳолатларда эса бузилади.

Хўш, бундай ҳолатдан қутулишнинг чораси борми? Қайси йўллар билан зиддиятларни бартараф этиш мумкин? Фақатгина биз оиладаноқ ўғил болани аёлга, унинг ҳис-туйғулари, кўнгли, тасаввур ва муаммоларига ҳурмат билан қарашга ўргатишимиз лозим эмасмикин? Бу менинг хотиним, хоҳлаганча муносабатда бўламан, деган нотўғри тушунчага ўрин қолдирмаслик учун оила катталари ўз фазилатлари-ю, ибрати билан фарзандларига ўрнак бўлишлари лозим. Ахир, халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бежиз айтилмаган-ку.

— Коллежимиз талаба қизлари Гендер тенглиги тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлди, -дейди Сирдарё педагогика коллежи талабаси Дилдора Аҳмедова. — Биз ақлий ишғол усули орқали барча муаммоларни бартараф этиш имконини топиш мумкинлигини англаб етдик. Тренинг аёллар ҳуқуқи борасидаги билимларимизни анча бойитди.

Янгиерлик талаба ёшлар 3 гуруҳга бўлиниб, баъзи ҳаётий муаммоларга ечим изладилар. Талабалар ўртасига ташланган «Мен агар

*Тренинг*

раҳбар бўлсам» мавзуи қизиқарли баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Улар муайян бир шахс, яъни ташкилот раҳбари сиймосини яратишга интилишди. Раҳбар зиммасида нима бор? У ким ва нима учун қайси фазилатларни шакллантириши тақозо этилади? Хуллас, раҳбар зиммасидаги барча масъулият ҳақида талабалар атрофлича фикр алмашишди.

Тренингларда WILL лойиҳаси тренерлари Дилфуза Абдураимова, Дилфуза Раимбоева, Бурхон Шерматовлар ёшларга мавзу танлаш, машғулотларнинг самарали ва қизғин ўтишини таъминлашда кўмаклашдилар.

**Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

# Саволларингизга ТДЮИ «Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

**САВОЛ:** ***мен 1993 йилдан бошлаб ногиронлик пенсиясини оламан. 2002 йил 15 июлида ёшга доир пенсияга чиқмоқчиман. Пенсия тайинланганда 1993 йилдан 2002 йил давомидаги меҳнат стажим ҳисобга олинадими?***

**Холмўмин АБДИЕВ,**
**Яккабоғ тумани.**

**ЖАВОБ:** 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 37-моддасида «Ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги ишлаган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди» дейилган. Демак, ёшга доир пенсиясидан ташқари ушбу тартиб бошқа ҳеч қандай пенсия турларига тааллуқли эмас. Бу degани, ногиронлик пенсияси тайинлангандан кейинги барча ишланган даврлар умумий тарзда меҳнат стажига киритилади ва ёшга доир пенсия тайинланганда, албатта, ҳисобга олинади.

**САВОЛ:** ***мен нон ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорман. «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорациясининг ихтисослаштирилган улгуржи-чакана дўконларидан фойдаланишим мумкинми?***

**Тожибой ВОЙИСОВ,**
**Боғот тумани.**

**ЖАВОБ:** 2000 йил 8 сентябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 347-сонли «Нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг 2-бандига кўра, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорлар «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг ихтисослаштирилган улгуржи-чакана дўконларидан нақд ҳисоб-китоб қилишнинг белгиланган ҳажмлари доирасида, фақат назорат-касса аппаратларидан фойдаланган ҳолда келишилган чакана нархларда ун сотиб олишлари мумкин, агар улар маҳаллий ҳокимликлар томонидан «Ўздонмаҳсулот» корпорациясининг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этиладиган рўйхат бўйича белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлсалар. Бундай тадбиркорларга ун ажратиш тартиби, Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 16 ноябрда 983-сон билан рўйхатга олинган 2000 йил 7 ноябрда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан тасдиқланган «Нон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларга ун ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланган. Ушбу Низомга кўра, нон чиқарувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг рўйхатга олиниши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади. Ушбу рўйхатлар давлат солиқ хизмати органлари билан келишилган ҳолда «Ўздонмаҳсулот» ДАК нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг ҳудудий акциядорлик уюшмаларига тақдим этилади. Рўйхатдан ўтган якка тадбиркорлар ихтисослаштирилган улгуржи-чакана дўконларига бириктириб қўйиладилар ва ўша ердан чакана нархда белгиланган миқдорда ун сотиб олиш имкониятига эгалар.

**САВОЛ:** ***мен болаликдан ногиронман. III гуруҳ ногиронлик пенсияси олган давримда ойлик маошимдан солиқ ушлаб қолинар эди. Ёшга доир пенсияга ўтганимдан кейин солиқ имтиёзли миқдорда ушланиши учун ҳужжат талаб қилишмоқда. Шу тўғрими?***

**Нишонбой ДАЛАЕВ,**
**Поп тумани.**

**ЖАВОБ:** ҳақиқатда ҳам, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Солиқ кодексининг 59-моддаси 2-қисмида кўрсатилганидек, жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқдан қисман, яъни ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоригача, бошқа шахс қаторида болаликдан ногирон бўлган шахслар ҳам озод этиладилар. Ушбу имтиёзни амалга ошириш тартиби Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. 2002 йил 24 мартда кучга кирган «Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасида белгиланган.

Ушбу йўриқноманинг 7-бўлим, 22-қисм д-бандида кўрсатилганидек, болаликдан ногирон бўлган шахсларга белгиланган имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки ТМЭК маълумотномаси асосида тайинланади. Ёшга доир пенсионерларнинг пенсия гувоҳномасида ногиронлик тўғрисида маълумот ёзилмайди. Шунинг учун солиқ бўйича имтиёз оламан, десангиз, болаликдан ногиронлигингизни тасдиқловчи ҳужжатни, яъни ТМЭК маълумотномасини тақдим этишингиз керак.

**САВОЛ:** ***мен ўқитувчи бўлиб ишлайман. 1994 йилдан III гуруҳ ногиронлик пенсияси олардим. 2002 йил январдан II гуруҳ ногиронлигига ўтдим. Ишловчи пенсионер сифатида 50 фоиз миқдорида пенсия оламан. Ишдан бўшаган ҳолда II гуруҳ ногиронлиги бўйича тўлиқ пенсия олишга ўтсам, пенсия миқдори қайта ҳисобланадими?***

**Муродилла БЎТАЕВ,**
**Сиёб тумани.**

**ЖАВОБ:** амалдаги ЎзРнинг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 49-моддасида пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари белгиланган. Ушбу моддага кўра, пенсиялар фақат олтита ҳолатда қайта ҳисобланиши мумкин. Булар қуйидаги ҳолатлар:

1. Пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда. Бунда гап пенсия тайинланишидан олдин ҳисобга олинмай қолган стаж ва иш ҳақи тўғрисида кетаяпти. Шу билан бирга пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтаётганда, масалан, ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтганда, янги пенсия тайинлангунга қадар барча ишлаган вақт стажга киритилиб, пенсионер томонидан тақдим этилган иш ҳақидан пенсия қайта ҳисобланиб чиқилади;

2. Ногиронлик гуруҳи ўзгарганда. Бу табиий ҳол, чунки ногиронлик пенсияларининг учта тури мавжуд бўлиб, улар бирбиридан анча фарқ қилади. Масалан, III гуруҳ ногиронлик пенсияси таянч миқдори ўртача иш ҳақининг 30% миқдоридан ҳисобланади, II гуруҳники эса - 55 фоизи миқдоридан, I гуруҳ ногиронлик пенсиясига ундан ташқари ногиронлик учун устама ҳам назарда тутилган ва ҳоказо;

3. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

4. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарганда. Бунда барча пенсиялар ЎзР. Президентининг 2002 йил 26 мартдаги «Энг кам иш ҳақи, стипендия, нафақалар, пенсиялар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига биноан қайта ҳисобланади. Масалан, 1 апрелдан бошлаб пенсиялар миқдори 15 фоизга оширилди;

5. Минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда; бу қоида алоҳида оғир табиий иқлим шароитида жойлашган махсус туман ва шаҳарларда яшовчи пенсионерларга тааллуқли;

6. Даромадлар индексация қилинган тақдирда. Охирги учта ҳолатда пенсионердан қўшимча ҳужжат талаб қилинмайди ва ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсиялар пенсия ишида бор ҳужжатлар асосида қайта ҳисобланади.

Ишловчи пенсионер сифатида 50 фоиз миқдорида пенсия оладиган шахсларга, ишдан бўшаган ҳолда, оладиган пенсияси 100 фоиз миқдорида тайинланади.

**САВОЛ:** ***биринчи фарзандимга ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиққанимда, ишлаган иш ҳақим бўйича ҳомиладорлик варақасига пул олдим. Ҳозир болам бир ярим ёшда. Ишга чиқмай туриб иккинчи боламга ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқдим. Бундай шароитда менга қай тартибда ҳақ тўланади.***

**О.РАҲИМОВА,**
**Қизилтепа тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 233- ва 286-моддасига кўра, аёлларга туққунга қадар етмиш календар кун ва туққанидан кейин эллик олти календар кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календар кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида (яъни, 126 ёки 140 календар куни) тўлиқ иш ҳақи миқдорида тўланади. Лекин 2002 йил 24 март кунидан бошлаб амалда бўлган ЎзР Меҳнат ва аҳолини Ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг ва Молия вазирлигининг 2002 йил 18 февралдаги 588,35-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4 ва 5-бандларида белгиланганидек, агар она бола икки ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун берилган таътил пайтида иккинчи боласига ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқадиган бўлса, онанинг хоҳишига кўра бу давр учун иккита нафақадан биттаси тўланади (биринчи бола учун икки ёшга етгунга қадар парваришлаш нафақаси ёки иккинчи бола учун ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси).

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш учун асос бўлиб белгиланган тартибда берилган меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (больничный) хизмат қилади.

Бундай нафақаларга солиқ солинмайди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида фаолият юритаётган тажрибали мутахассислар меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Хусусан, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда.

***Суратда: мутахассис Рустам Иноғомов ходимлар билан ўзаро фикрлашмоқда.***

**И.ҲАСАНОВ**
**олган сурат.**

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



# Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

**САВОЛ:** ***Ўқувчилар саройида тўгарак раҳбари бўлиб ишлаймиз. Туман молия бўлимидагилар сизлар педагогларга белгиланган имтиёздан фойдаланмайсизлар дейишяпти. Шу тўғрими?***

**С.БОБОҚУЛОВА,**
**З.ПРИМОВА,**
**Шаҳрисабз тумани.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18-апрелдаги 178-қароридаги имтиёзлардан фойдаланувчи шахслар тоифаларида тўгарак раҳбарлари назарда тутилмаган.

**САВОЛ:** ***Умумий касаллик бўйича касаллик варақасига чиқдим. Узлуксиз иш стажим 25 йил. Менга 80 фоиз ҳақ тўлашди. Шу тўғрими?***

**С.ҲАКИМОВА,**
**Қизилтепа тумани.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли Қарори билан 2002 йил 1 мартдан бошлаб вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси учун тўланадиган нафақаларнинг миқдорларини аниқлаш бўйича айрим ўзгартиришлар киритилган. Жумладан:

— ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов ҳамда руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий меҳнат стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади:

а) иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

— умумий меҳнат стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга:

б) иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

— умумий меҳнат стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга:

с) иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида;

— умумий меҳнат стажи 5 йилгача бўлган ходимларга тўланади.

Қолган ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўланган даврнинг (умумий меҳнат стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда:

а) иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

— умумий меҳнат стажи 5 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин етимларга;

б) иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида;

— умумий меҳнат стажи 5 йилгача бўлган ходимларга тўланади.

Меҳнат стажининг давомийлигидан қатъий назар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақасини 100 фоиз миқдорида олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар учун аввал қўлланилган тартиб сақланиб қолинган.

2002 йил 1 мартга қадар бўлган меҳнатга қобилиятсизлик даври учун нафақа миқдорлари аввалги тартиб бўйича жорий йилнинг 1 мартидан кейинги меҳнатга лаёқатсизлик даври учун эса нафақа миқдори янги тартиб асосида аниқланиши лозим.

*Таълим тизимидаги янгилик*

# ЮРИДИК КЛИНИКА ЁРДАМГА ШАЙ

Ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадини қўйган ёш мамлакатимиз учун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш, жамият ҳаётини эркинлаштириш, ҳуқуқий муносабатларни демократия тамойиллари асосида тартибга солиш тизими яратилди. Бу борадаги ислоҳотлар таълим соҳасида ҳам амалга оширилгач, мазкур юридик ўқув муассасаларида таълим жараёнини янгича ташкил этиш учун шароитлар яратилди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари юридик таълимни такомиллаштириш мақсадида турли усуллардан фойдаланишади. Масалан, АҚШда «Суқрот усули» деб номланиб, бундай дарслар савол-жавоблар асосида ташкил этилади. Аммо деярли ҳамма жойда дарслар ҳамон маърузалар усулида бўлиб, уларнинг айримларида эса суд жараёнларидан олинган мисоллар билан таништирилади. Натижада ўз иш фаолиятини энди бошлаган ҳуқуқшунослар ўзларини амалиётга тайёр эмасдек ҳис қилар, ҳужжатларни тайёрлаш, мижозларга маслаҳатлар бериш, суд жараёнларида фаол иштирок этишда қийналардилар. Талабалик даврида ўқиб ўрганганларини ҳаётга тадбиқ этишда тажрибасизлик қилишарди.

Бундан бир неча йил илгари ташкил этилган ва ҳозир ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган юридик клиника услуби мазкур муаммоларни ҳал қилиб бермоқда. Ушбу услубда талабаларга юридик тажрибадан келиб чиқиб, ҳаётий воқеалар ҳавола этилади ва адвокатнинг маҳорати, аппеляцион ҳимоя, музокаралар олиб бориш, воситачилик, арбитраж ҳамда улар ҳақиқий мижозларга малакали ҳуқуқшунос сифатида хизмат кўрсатадилар. Натижада, талабаларга янги-янги ҳуқуқ соҳаларини тезроқ ўзлаштириб олиш ва муайян ҳуқуқий ишни бошидан охиригача мустақил олиб бориш имконини беради. АҚШлик машҳур ҳуқуқшуноснинг ёзишича, умумий клиникалар ўқишни битиргач, мустақил юридик хизмат олиб боришни режалаштираётган талабаларга жуда катта ёрдам беради. Одатда, бундай клиникалар ўз мижозларига бепул хизмат кўрсатади.

Хорижнинг айрим юридик олийгоҳларида эса маълум бир йўналишда иш олиб борувчи махсус клиникалар фаолият кўрсатмоқда. Масалан: Вашингтон университети юридик клиникаси фақат иккинчи даражадаги жиноят ишлари билан шуғулланса, Колумбия университетида болаларнинг ижтимоий ҳимоясига доир ишлар кўриладди. Бу каби клиникалар бўлажак ҳуқуқшуносларга ўз юридик даражасини яратиш, самарали фаолият олиб боришда катта ёрдам бериши шубҳасиздир.

Бу борада республикамизда ҳам талайгина ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. 2000 йилда Очиқ Жамият институтининг «Кўмак» жамғармаси томонидан эълон қилинган «Фуқаролик таълими» дастурининг грантига сазовор бўлган Тошкент Давлат Юридик институти қошида «Юридик клиника» иш бошлади. У юридик ёрдам олиш имконияти чекланган ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳуқуқшунослик касбининг ахлоқий тамойилларини ўрганиш ва талабалар ўртасида оммалаштириш, юридик хизмат кўрсатиш борасидаги амалий кўникмаларни ривожлантириш мақсадида фаолият кўрсатмоқда. Клиника Интернет ва электрон почта тизими, кутубхона, алоқа воситалари билан таъминланган. Институт ўқув режаларига бу методнинг киритилиши ҳам унинг аҳамиятини янада оширди. Энг асосийси, малакали ўқитувчилар ва етук ҳуқуқшунос-олимлар жалб этилганлигидир.

Институт ректори, профессор М.Рустамбоев ва клиника директори, профессор Ш.Шораҳмедов раҳбарлигида жорий йил бошига қадар талабалар томонидан 955 нафар мижозга юридик ёрдам кўрсатилди. Бу маслаҳатларнинг 70 га яқини ёзма, қолганлари оғзаки бўлиб, шундан 91 та меҳнат, 85 та оила ҳуқуқи ҳамда 109 та ижтимоий ҳимояга тааллуқли ишлардир.

Шунингдек, янги ташкил топаётган клиникалар билан ҳам алоқалар мустаҳкамланмоқда. Ўтган йили вилоятлардаги олийгоҳ вакиллари билан махсус учрашув семинар ташкил этилди.

Ўз олдига адолат йўлида хизмат қилиш мақсадини қўйган барча юридик таълим муассасаларини, уларда таҳсил олаётган талабаларни, қолаверса, ҳуқуқшуносларни таълим тизимимиз учун янгилик бўлган юридик клиникалар билан янада чуқурроқ ҳамкорлик қилишларини истардик.

***Жавлон АБДУЛЛАЕВ,***
**Тошкент Давлат юридик институти талабаси.**

# САЙЁРАМИЗ САДОСИ

## ЎЗ ВАТАНИГА ҚАЙТИШМОҚДА

«Толибон» ҳаракатининг ҳукмронлик йилларида, «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотининг бедодликлари, халқаро терроризмга қарши кураш жараёнида минг-минглаб афғонлар ўз ватанларидан бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Улар қўшни Эрон, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатлардан паноҳгоҳ топдилар, мушкул шароитларда яшадилар. Кейинги пайтларда Афғонистонда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазият ижобий томонга ўзгаргач, қочоқлар ўз юртларига қайтиб кела бошладилар. Жумладан, сўнгги икки ой ичида Покистондан 420 минг киши қайтиб келди. Маълумотларга қараганда, Покистонда 4 миллионга яқин афғонлар бор. БМТ кузатувчилари тахминига кўра, бу йил бир миллион қочоқ ватанига қайтиши мумкин.

## КЕЛИШУВГА БИНОАН

Бирон бир мамлакатда барқарор осойишталик ўрнатишга бош қўшиш хайрли қадам ҳисобланади. Индонезияда эса ҳукумат билан айирмачи кучлар ўртасидаги ихтилофлар анчадан бери давом этаётгани маълум. Энди АҚШ билан Индонезия расмий доираларининг келишувига биноан, орадаги можароларни бартараф этишга АҚШ вакиллари воситачилик қиладиган бўлдилар. Жакарта келишмовчиликларни Вашингтоннинг аралашуви билан бартараф этиш самарали натижа беради, деб умид қилмоқда.

## СЕРГАКЛИК

Футбол бўйича Жаҳон чемпионати ўтказиладиган давлатлар хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳамиша катта сергаклик билан иш тутадилар. Жанубий Корея ҳукумати ҳам шу йўлдан бориб, чемпионат ўйинлари ташкил этиладиган 10 та шаҳарда об-ҳавода заҳарли газлар бор-йўқлигини дарҳол сезадиган 30 та махсус қурилмаларни ўрнатишга буйруқ берди. Бу тадбир мамлакат мудофаа вазирлиги томонидан қисқа фурсатларда адо этилиши лозим. Ушбу асбоб ўта такомиллашган бўлиб, ҳаводаги ўзгаришни дарҳол англайди ва марказий пультга ахборот беради.

## ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Россия Польшадан ва Жанубий Кореядан импорт қилинадиган барча турдаги чорвачилик маҳсулотларидан воз кечди. Бундай тақиқ жорий этилганлигини Россия қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ветеринария департаменти эълон қилди. Бундай йўл тутишга Польшада қорамолларнинг қутириш ҳоллари юз бераётганлиги, Жанубий Кореяда эса оқсил касаллигининг аниқланганлиги сабаб бўлди.

## СИНГАПУРЛИК САЙЁҲ ШИМОЛИЙ ҚУТБДА

Айни пайтда Шимолий Қутбни забт этган инсонлар бармоқ билан санарлидир. Сингапурлик Хо Сви Чо Шимолий Қутбга қадам ранжида қилган осиёлик биринчи одам бўлди. У яқинда мазкур нуқтага омон-эсон етиб бориб, байроқ қадади.

Канада соҳилидан қутбгача бўлган 770 километрлик масофани 37 яшар сайёҳ 45 кунда босиб ўтди ва аввалги сайёҳлар сонини тўрт кишига етказди.

## НАВБАТДАГИ ЖИНОЯТ

Қуролланган жангарилар навбатдаги жиноятни амалга оширдилар. Улар Чеченистон пойтахтидаги «Грознефтгаз» акционерлик жамият тасарруфидаги «Гот-Офт» нефт базасига ҳужум уюштирдилар. 3 минг тонна сиғимли резервуар портлатилди. Отишмада қўриқлаш хизматининг икки нафар вакили жароҳатланди. Босқинчилар уч дона автоматни қўлга киритиб, ғойиб бўлганлар. Шу кунларда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**




# ОЛИС ЯЙЛОВДА ШИФОХОНА

Деҳқонобод тоғли ҳудуд. Аҳоли асосан чорвачилик билан машғул. Қўрғону қишлоқлар ҳам шунга яраша — бир-бирида анча олис. Бу эса ўз навбатида маданий-маиший, соғлиқни сақлаш шоҳобчаларини бунёд этишни анча қийинлаштиради. Туманда бўлганимизда, айнан шу масалалар, хусусан, аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишларга қизиққанимиз бежиз эмас.

Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Рустам Дўстбобоевни «Оқрабод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Хўжамаҳмуд» қишлоқ врачлик пунктида учратдик. Олис тоғли яйловда қад тиклаб турган мазкур шифохона икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган. Барча қулайликларга эга бўлган соғломлаштириш маскани кунига 50 нафар беморга хизмат кўрсатади. Парафин, уқалаш, физиотерапевтик муолажалар, хотин-қизлар бўлими хизматларидан тоғли қишлоқ аҳолиси мамнун.

Узоқдан «Дамас» русумли машина кўзга ташланади.

— Бизнинг «Тез ёрдам», - дейди фахрланиб ҳамроҳларимиз.

Ниҳоят, Неъматилло Омонов бошқариб келаётган машина қишлоқ врачлик пункти ёнига келиб тўхтаб, ундан навбатчи шифокор Норсафар Қодиров тушди.

— «Курдаҳна» қишлоғидан келаяпмиз, - деди саломаликдан сўнг у. - Чақириқ бўлган экан, шунга боргандик. Беморга зарур ёрдамлар кўрсатдик.

Дарвоқе, туманда 105 минг аҳоли истиқомат қилади. Шунинг ярмига яқинини болалар ва 23 минггини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Улар мингдан зиёд тиббиёт ходимлари хизматидан баҳраманд. 9 та қишлоқ врачлик пункти, 6 та қишлоқ участка шифохонаси мавжуд. Кейинги йилларда Шўргузар, Оққишлоқ, Хўжамаҳмуд, Чуқурқудуқ, Тоғайтемир қишлоқларида врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.

— Шифокорларимиз вақти-вақти билан чорвадорлар, қишлоқ хўжалик ходимлари ҳузурида бўлиб, улар соғлиқларини муҳофаза қилиб турганликлари туманда ислоҳотларни жадаллик билан амалга оширишга ҳисса бўлиб қўшилмоқда, - дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бош ҳакими Холмирза Жўраев. - Зеро, инсонлар соғ-саломат бўлса, яратувчилик ишига ҳам барака киради.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратларда: 1. Хўжамаҳмуд қишлоғида фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пункти биноси.**

**2. Вилоят соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустам Дўстбобоев шифокорлар билан мулоқот пайтида.**

**3. «Тез ёрдам» ҳайдовчиси Неъматилло Омоновга ҳар бир қир, дала-дашт яхши таниш.**

## Бизнинг иқтидорли ёшларимиз

*Вилоят ҳокимлигида иқтидорли ва турли фан йўналишлари бўйича республика танловларининг ғолиби деб топилган мактаб ўқувчиларининг қабули давом этарди. Тақдирлаш навбати Мухтасар Йўлдошевага келганида вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов шундай деди:*

# ОНА ТАБИАТ ЖОНКУЯРИ

— Ёшларимиз орасидан илм-фаннинг барча соҳалари бўйича истеъдодли, ташаббускор ўғил-қизларимиз етишиб чиқаётганидан хурсандмиз. Яна қувонтирадиган нарса шуки, улар аъло баҳоларга ўқиш билан бирга она табиатнинг ҳам чинакам жонкуярлари сифатида вояга етмоқдалар. Шундай зукко ёшлардан бири косонсойлик Мухтасархон ўз иқтидори, билими билан тенгдошлари ичида ғолиб деб топилди. Ғолиба қизимизни табриклар эканмиз, бундан кейинги ўқишларида ҳам зафарлар тилаб қоламиз!

Ҳа, вилоят ҳокими Мухтасар Йўлдошеванинг она заминни севиш, табиатни ардоқлаш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, авлодларга асл ҳолида етказиш бўйича изланишларига юқори баҳо бериб янглишмаган эди. Мана Мухтасархоннинг республика кўрик-танловида ёзган иншосидан намуналар: «Табиат фарзандимиз. Шоирлар айтмоқчи биз унинг зарраларидан бунёдга келганмиз. Шу боисдан ҳам уни она деб атаймиз. Шунинг учун ҳам жаз мусиқасининг қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронидан кўра булбул навосини, сой ва ариқ сувларининг шилдирашини ёқтирамиз. Лекин она табиатнинг меҳрига яраша жавоб қайтара олаяпмизми? Авайлаб-асраш, бойитиш ва янада тараққий эттириш ўрнига унга зулм ўтказмаяпмизми? Боболаримиз айтишича, бир вақтлар ариқ бўйлари ва тут қаторлари остида ёмғир ёғиши билан потирлаб чиқадиган қўзиқоринлар, ҳиди бир чақиримдан димоғимизга уриладиган ёввойи атиргуллар қаёққа йўқолди? Буларнинг бари она табиат қадрига етмаслик, унинг неъматлари ва бойликларини оёқ ости қилиш оқибати эмасми?...» Шу тариқа эндигина еттинчи синфда ўқиётган қизча тенгдошларини, барча мактаб ўқувчилари ва ёшларни она табиатни авайлаб-асрашга, унга нисбатан меҳрибонлик билан муносабатда бўлишга чақирди.

— Улуғ бобомиз Алишер Навоий жўжаларини етаклаб ўтаётган товуқни кўриб қолиб, карвонни тўхтатиб турган эканлар, — дейди Мухтасар. — Бувиларимизнинг таъкидлашларича, ҳар бир гиёҳ, ўт-ўлан инсон боласи келаётганида менга тегмасмикан, эзғилаб ўтмасмикан, деб титраб тураркан. Ахир, у вояга етгач, табиатни яшнатади, молларимизга озуқа бўлади ёки ўзимизнинг бирон коримизга ярайди.

Мухтасар яна давом этади:

— Бир пайтлар шундоқ қишлоғимиз ҳудудига туташ Қоратоғ ён бағирларида кўклам бошланиши билан лолақизғалдоқлар гуриллаб чиқиб гиламдек ёзиларкан. Афсуски, улар аллақачон чорва моллари туёқлари остида эзилиб, йўқолиб кетган. Биз, ёш авлод табиатнинг ана шу яраларига малҳам қўйишимиз, уни асл ҳолига қайтаришимиз керак.

— Мухтасархон бошланғич синфда ўқиб юрган пайтлариданоқ она табиатга бўлган чексиз меҳри билан тенгдошларидан ажралиб турарди, — дейди устози Фатҳиддин Шарипов. — Унинг чизган расмларида ўсимликлар дунёси акс этарди. Мактабимиз боғи ва иссиқхонасини ободонлаштириш ташаббускори ҳам шу қиз. Айтганча, у шеърлар ҳам машқ қилади. Шеърларининг бош мавзуи — она табиатга муҳаббат.

Мухтасар келгуси режалари ҳақида шундай дейди:

— Таътилда Америка Қўшма Штатларига бориб у ерлик тенгдошларимнинг бу соҳадаги ишлари билан танишмоқчиман. Америкалик мактаб ўқувчиларининг табиат муҳофазаси бўйича ишлари билан қизиқяпман.

Наманган вилояти Косонсой туманидаги 47-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мухтасархон Йўлдошеванинг қалбида орзулари лиммо-лим. Она табиатни ардоқлашдек олижаноб ниятинг ҳамиша йўлдошинг бўлсин, Мухтасар!

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## Футбол

***Беш кун мобайнида пойтахтдаги «Жар» спорт мажмуида футбол шинавандаларига олам-олам қувонч бахш этган ажойиб ўйинлар бўлиб ўтди. Осиё чемпионати баҳслари олдидан ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги гуруҳ учрашувлари мамлакатимизда кейинги йилларда футболга жиддий эътибор берилаётганининг ўзига хос намойишига айланди, десак муболаға эмас.***

# ҲУЖУМ—ЭНГ ЯХШИ ҲИМОЯ

Ўсмирларимиз ҳам, ёшларимиз ҳам ўз гуруҳларида чиндан ҳам энг кучли эканликларини амалда исботладилар ва ҳар икки термамиз ҳам куз фаслида Бирлашган араб амирлиги ҳамда Қатарда бўладиган кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Айниқса, ёшлар терма жамоамиз катталарга хос ўйин кўрсатиб, футболимиз мустаҳкам пойдевор устига бунёд этилаётганини тасдиқладилар. Жамоа икки ўйинда 19 та гол киритгани ҳолда ўз дарвозасидан биронта тўп олиб чиқмади. Бунда, шубҳасиз, «Пахтакор» командаси аъзолари бўлмиш дарвозабон Игнатий Нестерев ва ҳужумчи Александр Гейнрихларнинг ҳиссаси катта. Моҳир тўпурар Гейнрих иккинчи ўйинда олтита гол муаллифи бўлган бўлса, Нестерев эса миллий терма жамоа шарафини ҳам ҳимоя қилишга тайёр эканлигини исботлай билди.

Бу орада мамлакат биринчилигининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Терма жамоамиз Словенияга сафар уюштирганлиги ва жамоа таркибида пахтакорчилар кўпчиликни ташкил қилганлиги муносабати билан «Зарафшон»—«Пахтакор» ўртасидаги учрашув бошқа кунга қолдирилган бўлса-да, пешқадам билан таъқибчилар ўртасидаги фарқ бор-йўғи биттага ўзгарди. Хусусан, Қаршининг «Насаф» жамоаси учун бу тур омадсиз бўлди. «Бухоро» билан учрашувда аввалига 1:0, кейинчалик 2:1 ҳисобида олдинда бораётган Баҳром Ҳакимов шогирдлари охир-оқибатда дурангга имзо чекишга мажбур бўлдилар. Бир сўз билан айтганда, қимматли икки очко бой берилди ва энг қизиғи, бундан бошқа жамоалар ҳам унумли фойдалана олишмади.

Мавсум бошида қатор



ғалабалари билан тилга тушган «Қизилқум» ўз майдонида «Навбаҳор»ни қабул қилиб, наманганлик рақиблари қаршилигини енга олмаган ва битта очко билан кифояланишга мажбур бўлган бўлса (ҳисоб — 1:1), «Самарқанд-Д» эса Тошкент вилоятининг номдор вакили «Дўстлик»ка ҳар жиҳатдан ютқазди. Шу куни «Дўстлик» совринли ўринлар учун ҳам имкониятини йўқотмаганлигига мухлисларини ишонтира билди. Ҳисоб — 4:1.

Ушбу чемпионатда «Қизилқум»дан кейин «Металлург» мавсум кашфиёти бўлиши мумкин. Бекободликлар яна ғалаба нашидасини сурдилар. Андижонликлар майдон эгаларининг уч тўпига биронта жавоб қила олмай, йирик мағлубият аламини татиб кўрдилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сурхон»-«Трактор» — 1:0, «Нефтчи»-«Машъал» — 4:0, «Қўқон-1912»-«Сўғдиёна» — 1:1.

Навбатдаги турда ҳам мухлислар қатор қизиқарли учрашувларнинг гувоҳи бўлишади. Хусусан, «Трактор»-«Нефтчи» ва «Навбаҳор»-«Металлург» ўртасидаги баҳслар муросасиз кечиши кутилмоқда.

### 9-турдан кейинги вазият

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Пахтакор»** | **8** | **8** | **0** | **0** | **26-1** | **24** |
| **2. «Насаф»** | **9** | **5** | **2** | **2** | **15-7** | **17** |
| **3. «Қизилқум»** | **9** | **5** | **1** | **3** | **16-10** | **16** |
| 4. «Самарқанд-Д» | 9 | 4 | 3 | 2 | 11-9 | 15 |
| 5. «Металлург» | 9 | 4 | 2 | 3 | 9-11 | 14 |
| 6. «Бухоро» | 9 | 4 | 2 | 3 | 12-18 | 14 |
| 7. «Навбаҳор» | 9 | 4 | 1 | 4 | 15-13 | 13 |
| 8. «Нефтчи» | 9 | 4 | 1 | 4 | 12-10 | 13 |
| 9. «Сўғдиёна» | 9 | 3 | 3 | 3 | 11-10 | 12 |
| 10. «Дўстлик» | 9 | 4 | 0 | 5 | 12-16 | 12 |
| 11. «Қўқон-1912» | 9 | 3 | 2 | 4 | 8-12 | 11 |
| 12. «Зарафшон» | 8 | 2 | 2 | 4 | 8-8 | 8 |
| 13. «Трактор» | 9 | 2 | 2 | 5 | 9-13 | 8 |
| 14. «Андижон» | 9 | 2 | 2 | 5 | 9-15 | 8 |
| **15. «Сурхон»** | **9** | **2** | **2** | **5** | **8-17** | **8** |
| **16. «Машъал»** | **9** | **2** | **1** | **6** | **5-16** | **7** |



*Чеҳрасидан нур ёғилиб турган пири бадавлат онахонларимиз давраларимизга кўрк, ҳаётимизга нурафшонлик бахш этиб турган меҳварларимиздир. Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида истиқомат қилувчи Оққиз момо Султонова ҳам ана шундай табаррук онахонларимиздан.*

*Яқинда ўзининг 104 ёшлик таваллуд кунини нишонлаган момо айни пайтда ўн нафар фарзанди, юздан ортиқ невара, чевара ва эваралари ардоғида. Онахоннинг дуосини олиш учун ҳар куни ҳамқишлоқлари уни йўқлаб келишади.*

*— Шукрки, юртимиз осойишта, халқимиз яхши ҳаёт кечирмоқда, — дейди нуроний фотиҳага қўл очаркан. — Илоё, Ўзбекистонимиз бундан ҳам гуллаб-яшнасин, ҳамкору ҳамжиҳатлигимизга кўз тегмасин!*

**Б.НОРҚУЛОВ олган сурат.**


## «Олой Универсал бозори» Очиқ акциядорлик жамиятининг 2002 йил 1 январ ҳолатига баланси (минг сўм ҳисобида)

| № | Моддалар номи | актив | пассив |
|---|---|---|---|
| 1 | Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати | 554433,2 | |
| 2 | Капитал қўйилмалар | 600898 | |
| 3 | Уюшма корхоналарининг акциялари | 70100 | |
| 4 | Ишлаб чиқариш захиралари | 60566 | |
| 5 | Пул маблағлари | 2854,6 | |
| 6 | Келгуси давр сарфлари | 63139,4 | |
| 7 | Дебиторлар қарзи | 12019 | |
| 8 | Устав капитали | | 30841,4 |
| 9 | Қўшилган капитал | | 807774 |
| 10 | Резерв капитали | | 1424,7 |
| 11 | Тақсимланмаган фойда | | 13042,6 |
| 12 | Мақсадли тушум ва фондлар | | 449797,8 |
| 13 | Узоқ муддатли банк кредитлари | - | |
| 14 | Кредиторлар қарзи | | 61129,7 |
| | **Баланс** | 1364010,2 | 1364010,2 |

***Жамиятнинг 2001 йил молиявий хўжалик кўрсаткичлари бўйича умумий даромади - 181883,6 минг сўм.***
***Олинган соф фойда - 13042,6 минг сўм.***
***Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти «Осиё Аудит» фирмаси томонидан текширилган.***
***00124 рақамли лицензия 2001 йил 25 июлда Молия вазирлиги томонидан берилган.***
***«Олой Универсал бозори» ОАЖ 2001 йил молиявий хўжалик якунлари бўйича дивидендларини бермоқда.***



ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Буюртма Г— 432. 1 2 3 4 5 6